

01/15-17-son
2025-yil 4-fevral



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазири
_____ И.Абдурахмонов
“03” февраль 2025 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2025 йил 27 январдаги КQ-49-V-сон қарори билан тасдиқланган “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш бўйича 2025 йилга мўлжалланган Чора-Тадбирлар режаси”нинг тегишли бандлари ижроси юзасидан

НАЗОРАТ РЕЖА

T/p	Чора тадбир банди	Топшириқлар мазмуни	Амалга ошириш шакли (механизми)	Ижро муддати	Масъул ижрочи
1.	1-банд	Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги малакасини ошириш	1. Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясида малакасини ошириш ишларини ташкил этиш. 2. Малака ошириш ишлари натижалари юзасидан маълумотларни ҳар ярим йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига киритиш.	Доимий июнь-декабрь	<u>Халилов С.А.</u> Хамидов Ш.Н.
2.	2-банд	Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимларини “E-Learning” электрон таълим платформасида онлайн ўқитиш.	1. Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини “E-Learning” платформасида ўқитиш ишларини ташкил этиш.	доимий ҳар чорақда	<u>Хамидов Ш.Н.</u> Халилов С.А. Назирова Д.Б. Халилов М.В.
3.	9-банд	Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида	1. Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида “Коррупцияга қарши курашиш” рубрикаси (сарлавҳаси)ни очиш. 2. “Коррупцияга қарши курашиш” рубрикаси	февраль	<u>Халилов С.А.</u> Назирова Д.Б.

Т/р	Чора тадбир банди	Топшириқлар мазмуни	Амалга ошириш шакли (механизми)	Ижро муддати	Масъул ижрочи
		<p>“Коррупцияга қарши курашиш” рубрикаси (сарлавҳаси)ни очиш ва унга амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни киритиб бориш.</p>	<p>(сарлавҳаси)да коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни жойлаштириб бориш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлигига киритиб бориш.</p>	доимий	
4.	11-банд	<p>Манфаатлар тўқнашуви ва коррупциявий ҳолатлар бўйича хабар бериш мумкин бўлган алоқа каналларини ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб қилиш.</p>	<p>1. Манфаатлар тўқнашуви ва коррупциявий ҳолатлар бўйича хабар бериш мумкин бўлган алоқа каналлари рўйхатини тузиш.</p> <p>2. Ушбу рўйхатни ҳар ойда янгилаб бориш (ўзгарган тақдирда).</p> <p>3. Рўйхатни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиш.</p>	доимий	<p><u>Халилов С.А.</u> Назиров Д.Б.</p>
5.	12-банд	<p>“9-декабр - Халқаро коррупцияга қарши курашиш” кунига бағишлаб Аксилкоррупция ойлигини ўтказиш.</p>	<p>1. “9-декабр - Халқаро коррупцияга қарши курашиш” кунини муносабати билан ўтказиладиган Аксилкоррупция ойлиги доирасида вазирлик ва идоралар томонидан “Очиқ эшиклар кунини” тадбирини ўтказиш.</p> <p>2. “Очиқ эшиклар кунини” тадбирларида ўз фаолияти очиқлигини таъминлаш, коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, соҳада замонавий коррупцияга қарши курашиш тизимларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ОАВ, журналистлар, блогерлар ва жамоатчилик вакилларига маълумотлар бериш.</p> <p>3. “Очиқ эшиклар кунини” тадбирлари натижалари бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлигига маълумот тақдим қилиш.</p>	ноябр-декабр	<p><u>Халилов С.А.</u> Назиров Д.Б.</p>
6.	13-банд	<p>Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари</p>	<p>1. Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти юзасидан интервью ва суҳбатлар ташкил этиш.</p>	йил давомида	<p><u>Халилов С.А.</u> Назиров Д.Б.</p>

Т/р	Чора тадбир банди	Топшириқлар мазмуни	Амалга ошириш шакли (механизми)	Ижро муддати	Масъул ижрочи
		фаолияти юзасидан интервью, суҳбатлар ташкил этиш.	<p>2. Интервью ва суҳбатларни ОАВ, газета ва журналлар, расмий веб-сайтлар ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилиш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлигига маълумот тақдим қилиш.</p>		
7.	14-банд	Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан лавҳа ва кўрсатувлар тайёрлаш.	<p>1. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан лавҳа ва кўрсатувлар тайёрлаш.</p> <p>2. Лавҳа ва кўрсатувларни ОАВ, газета ва журналлар, расмий веб-сайтлар ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилиш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлигига маълумот тақдим қилиш.</p>	йил давомида	<u>Назиров Д.Б</u> Халилов С.А.
8.	18-банд	Олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларидаги “Коррупцияга қарши курашиш” рубрикаси (сарлавҳаси)ни очиш ва унга амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни киритиб бориш.	<p>1. Олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларида “Коррупцияга қарши курашиш” рубрикаси (сарлавҳаси)ни очиш</p> <p>2. “Коррупцияга қарши курашиш” рубрикаси (сарлавҳаси)га олий таълим муассасалари томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни жойлаштириб бориш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлигига киритиб бориш.</p>	феврал доимий ҳар чоракда	<u>Халилов С.А.</u> ОТМлари раҳбарлари